Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 3 февраль 1973 йил, шанба ◆ № 29 (15.503). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов ва КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари А. С. Черняев Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди, УКП Марказий Комитети аъзолари А. Легаспи ва Х. Касерес билан КПСС Марказий Комитетида учрашдилар.

Суҳбат чоғида Р. Арисменди Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи байрами бутун дунёда нишонланганлиги СССРнинг халқаро обрўси янада мустаҳкамланганлигини, ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини, жаҳон социализми, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати манфаатларига мувофиқ бўлган Совет Иттифоқи ташқи сиёсий йўлининг одилона йўл эканлигини ёрқин намойиш қилганлигини ўқтириб ўтди. Уругвайлик ўртоқлар совет халқининг қаҳрамон Вьетнамга Ҳинди-Хитойнинг курашаётган бошқа халқларига, Куба ва Чили халқларига, араб шарқи мамлакатларига, умуман миллий озодлик курешига ёрдами—улуғ Ленин васият қилган пролетар интернационализмининг ёркин кўриниши эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

М. А. Суслов КПСС ва Совет ҳукуматининг сиёсатига юксак баҳо берганлиги учун Р. Арисменди ва ташаккур изҳор қилди ва Ленин партияси ўз фаолиятида ҳамиша Ленининг барҳаёт таълимотига, пролетар интернационализми принципларига амал қилади, деб уқтириб ўтди.

Ҳар иккала партиянинг раҳбарлари тарихий воқеа — Вьетнамда уруш тўхатилганлиги ва тинчлик тикланганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар. Американинг ва бошқа чет мамлакатлар қўшинларининг Вьетнам тупроғидан тамоман олиб чиқиб кетилишини, АҚШнинг Вьетнам ички ишларига аралашувини тўхатишни назарда тутувчи битимлар тўзилганлиги империализмга қарши курашда эришилган муҳим ғалаба, Вьетнам халқи олиб борган қаҳрамонларча курашнинг тантаناси, Вьетнам билан бирдамлик юзасидан кенг халқаро ҳаракатнинг, Вьетнамга ҳар тарафлама ёрдам ва кўмак бериб турган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, коммунистик ва ишчи партиялар, барча тинчликсевар кучлар ғайрат-ҳаракатининг тантанасидир.

Р. Арисменди КПССга, бутун совет халқига коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришда ва КПСС XXIV съездининг тинчлик программасини амалга оширишда янги катта муваффақиятлар тилади.

М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев ва И. В. Капитонов Уругвай Коммунистларининг демократик ва социал тараққиёт йўлидаги кураши билан бирдамликларини изҳор этдилар, бутун дунёда тинчлик учун, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслиги учун кураш ишига Уругвай Компартиясининг қўшган ҳиссасига юксак баҳо бердилар ва Уругвай коммунистларига ўз халқининг яхши истиқболи учун курашда янги муваффақиятлар тиладилар.

Учрашув КПСС билан Уругвай Компартияси ўртасидаги муносабатларга хос бўлган самимият ва дўстлик вазиятида ўтди.

РЕСПУБЛИКА ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ ХОДИМЛАРИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика граждан авиациясининг ходимларини муҳим сана — СССР граждан авиациясининг 50 йиллиги билан қизғин қутлайдилар.

РСФСР меҳнат ва мудофаа кенгашининг қарори билан 1923 йил февралида тузилган мамлакат граждан авиацияси органлари ҳақли равишда Совет ҳокимиятининг самараси деб аталади.

Улуғ В. И. Ленин Совет Иттифоқи ҳаво флотининг бешигини тебратди. «РСФСР осмонида ҳаво кемаларининг қатнаши тўғрисида декрет»ни В. И. Ленин 1921 йилнинг январида имзолади ва шу тарика жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ҳаво океанида ҳаво кемаларининг мунтазам қатновига негиз солинди.

Совет халқи Ленин кўрсатган йўлдан бориб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида тарихан қисқа муддат ичида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида жуда катта ютуқларга эришди, қудратли индустрия, юксак даражада ривожланган социалистик қишлоқ хўжалигини барпо этди.

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ўсиб борганлиги билан бир қаторда шонли граждан авиациямиз ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб борди. Эндиликда СССР аэрофлоти жаҳондаги энг катта авиация кампаниясидир.

Совет Ўзбекистонининг авиаторлари республикадаги бутун социалистик қурилиш даврида иқтисодий ва маданий ўзгартишлар учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Ўзбекистоннинг кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа барча республикалар билан қардошлик алоқаларини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга актив кўмаклашмоқдалар.

Тошкент, Олмаота, Бухоро, Хиванинг биринчи мунтазам ҳаво йўлларида 1924 йилда салкам бир минг пассажир ташиб бериш билан иш бошлаган республика граждан авиацияси корхоналарининг коллективлари ҳозирги вақтда жами узунлиги 100 минг километрдан ошиқроқ бўлган 140 та ҳаво трассасида қатнаш ишларини бажармоқдалар, йилига 4 миллионга яқин пассажир ҳамда 50 минг тоннадан кўпроқ юк ва почта ташиб берилмоқда.

Республикада жўда кўп маҳаллий ҳаво йўллари ва аэропортлар ташкил этилди, самолётларнинг энг мукаммал типларини ишлатиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш ўзлаштирилди, миллий мутахассис кадрлар етиштирилди.

Авиация ходимлари пахта етиштириш ва унинг ҳосилини йиғиб териб олишда, чорвачилик фермаларига хизмат кўрсатишда қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига катта ёрдам бериб турибдилар. Геология-қидириш ишларида ва аҳолига медицина хизмати кўрсатишда самолётлар тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

КПСС XXIV съезди граждан авиациясини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг катта программасини белгилаб берди.

Республика авиаторлари тўқкизинчи беш йиллик дастлабки икки йилининг асосий топшириқларини муваффақиятли бажардилар. ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришилган натижалар учун Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий советининг юбилей фахрий нишони билан мукофотланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб шуни айтадиларки, республика граждан авиациясининг ходимлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, бундан буён ҳам авиация корхоналарининг хўжалик фаолиятини такомиллаштира берадилар, ҳаво транспорти ишининг иқтисодий самарадорлигини ошираверадилар, иқтисодий тежаш ва тежамкорликка қаттиқ риоя қиладилар, тўқкизинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирадилар, учишларнинг хавф-хатарсиз ва мунтазам бўлишини, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишни таъминлайдилар ва коммунизм учун кураш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ	УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ	УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

АВИАТОРЛАР БАЙРАМИ

СССР граждан авиациясининг эллик йиллиги шу кунларда кенг равишда нишонланмоқда.

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» заводи республикамиздаги илғор корхоналардан саналади. Корхона аҳил ва сергайрат коллективининг кучи билан ҳар йили бу ерда минг-минглаб километр турли хил сим, электр ва телефон кабеллари тайёрланади. Корхона ишчилари тўқкизинчи беш йиллиннинг учинчи йилида ҳар қачонгидан ҳам фидокорлик билан меҳнат қиляптилар. Суратларда (чапдан) заводнинг илғор ишчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари Улуғбек Муҳаммадхўжаев ва Носир Собиржоновларни кўриб турибсиз. Унгда 20-цехнинг «олтин қўл»ли мастери Ҳарис Сафиулин.

И. Глауберзон фотолари.

А. Н. КОСИГИННИНГ Г. ШЮРЕР БИЛАН СУҲБАТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 1 февралда Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Шюрерни Кремлда қабул қилди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат чоғида СССР билан ГДР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек СССР билан ГДР ўртасида иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Москвада бўлиб ўтган мажлиси якуни муҳокама қилинди. Г. Шюрер делегациянинг бошлиғи сифатида мазкур мажлис ишида қатнашган эди. (ТАСС).

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР парламент группасининг Раиси А. П. Шитиков бошчилигидаги СССР парламент группаси делегацияси 2 февралда Хельсинкидан Москвага қайтиб келди. Делегация Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари юзасидан парламентлараро конференция ишида қатнашди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ва бошқалар Ленинград вокзалида делегацияни кутиб олдилар. (ТАСС).

ЛЕКТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Партия ва комсомол комитетлари, касаба союзлари Советлари ва «Билим» жамияти ташкилотлари лекторларининг тўрт кун давом этган республика семинар-кенгаши 2 февралда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Семинар лекторлик маҳоратини ва лекция пропагандасининг самарадорлигини ошириш проблемаларига бағишланди.

Семинарда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов, профессорлардан Л. П. Каюмов ва С. И. Иброҳимов, тарих фанлари доктори Б. В. Лунин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лекторлари Е. М. Блок ва Г. Н. Скопцов, бошқа олимлар ва пропагандистлар лекция ўқидилар. Улар фан муваффақиятларини оммалаштириш, лекция пропагандасини, унинг кўргазмали бўлишини такомиллаштириш, лекцияларда техника воситаларидан фойдаланиш тўғрисида, лекторнинг нутқ маданияти, лекцияларга тақриз бериш методикаси тўғрисида гапирдилар.

Лекторлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Семинар иштирокчилари ... халқаро

ИШЧИ СЎЗИ—ИШНИНГ КЎЗИ

ВАҚТ ВА МУСОБАҚА

Сафия ЖАМОЛОВА,
Самарқанд шаҳридаги Охунбобоев номли кўн заводининг ишчиси.

Сафия Жамолова 21 ёшида 10-синфни битириб 1961 йили Самарқанд шаҳридаги Охунбобоев номли кўн заводига ишга келганди, бир неча ой шогирд бўлди, сўнгра бўёқчилик касбини эгаллади. Тез орада донгдор бўёқчи бўлиб етишди. 1965 йили КПСС сафига қабул қилинди. Шу йили корхонанинг пардозлаш цехидаги бўёқчилар бригадаси бошлиғи қилиб кўтарилди.

Фидокорона меҳнати туфайли мусобақа ғолиби сифатида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. СССР 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада фахрли ўринни эгаллаб, Иттифоқ Енгил саноат министрлиги билан Бутуниттифоқ енгил ва тўқимачилик саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонини олди. Ёш коммунист Сафия Жамолова ишлаб чиқариш топшириқларини муntазам ошириб бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У завод партия комитети ва Самарқанд шаҳар партия комитетининг аъзоси.

Енгил саноатимизда вужудга келган «Минглар шартномаси» мусобақаси — социалистик мусобақанинг энг амалий, иқтодий формаси эканлигини биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Шу мусобақа туфайли газлама ва пойафзаллар сифатини кўтариш учун курашга қанчадан-қанча касб эгалари отландилар. Лекин очиғини айтганда, бу ишда ҳозиргача тўқимачилар ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Пойафзалчилар билан кўнчилар ҳали қўшилганича йўқ.

Биз пойафзалларимиз ва унинг хом ашёси бўлган чарм-ларнинг сифатини анча кўтаришимиз мумкин. Бунинг учун резервлар ҳам бор. Ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳам кўпгина. Ҳозир мамлакатимизда ҳар минутда 1200 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилар экан. Лекин биз буни кўпинча унутиб кўямиз. Вақтнинг ... лади. Давлат план — заказ ошириб бажарилди. Шу икки йил ичида планга қўшимча равишда бир ярим миллион квадрат дециметр хром ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, асбоб-ускуналардан яхши фойдаланиш ва тежамкорлик учун курашни кучайтириш туфайли 160 минг сўмдан зиёдроқ соф фойда олинди.

Энди бригадамиз ҳақида тўхталмоқчиман. Смена ва ойлик топшириқларини ҳар доим ошириб бажариб, пардозлаш цехи бўйича биринчиликни эгалладик. Икки йиллик ишлаб чиқариш топшириғини бир ярим йилга қолмай бажариб қўйдик. Шахсан ўзим икки йил мобайнида 38 ойлик планни бажаришга муяссар бўлдим. Ҳисоб-китоб дафтаримда 16 ой олдин бораётирман. Юбилей йилининг баъзи ойларида нормани 171 процентга етказиб бажардим. Ойига 200 сўм, баъ... отдан ўқиб-ўрганиб, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан унумли фойдаланиш тадбирларини белгиладилар. Тўқкизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи учинчи йилида янада яхши кўрсатқичларга эришиш учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Кўпчилик бригадалар, шу жумладан бизнинг бригада ишчилари беш йиллиннинг уч ярим йилда бажаришга аҳд қилишди. Мен илгари беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажаришга мажбуриятини олган эдим. Партия ва ҳукуматимиз қарори билан танишиб чиққач, беш йиллиннинг уч йилда бажаришга сўз бердим. Бунга ишончим комил. Меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена нормасини қарийб икки баравар адо этяпман.

Касбдошларим — Ленин орденли Қурбон Носиров, Октябрь Революцияси ордени ка... Корхонамизда мусобақа шартларининг бажарилиши, цехлар, сменаларда социалистик мажбуриятларнинг ижроси ҳар ўн кунда текшириб борилади. Ҳар бир ишчининг шахсий дафтарчаси бор. Унга мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар ёзиб борилади. Вақти-вақти билан мажбуриятларнинг бажарилиши кўргазма тахталарда, завод деворий газеталари ва жанговар варақаларда ёзиб турилади. Ҳар бир ишчи «1973 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишондори бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Кечагидан бугун, бугунгидан эртага яхшироқ, унумлироқ ишлаш учун минутларни, дақиқаларни ҳисоблаб ишламоқда.

Тери заводимизга давлат кооператив тармоқлари, гўшт комбинатлари орқали келтирилади. Самарқанд тери заводидан сортларга ажратилган теріларни қабул қилиб оламиз. Бошқа завод ва кооператив ташкилотларидан, гўшт комбинатларидан кўпинча қуруқ тери олинади. Бундай терилар ярим кундан бир суткагача сувда ивитилади. Кейин иссиқ сувда юмшатилиб, тозаланади. Лекин ана шу ишлаш жараёнида тери тешик, украли бўлса, ёмон чиқади, сифати бузилади. Бизда баъзан шундай ҳоллар такрорланаётганлиги сабабли хром сортига салбий таъсир кўрсатяпти. Баъзи квартал ва йилларда маҳсулотнинг 77-80 процентингигина биринчи сортга топширамиз. Ҳолбуки, Москвадаги Тельман номли кўн заводида мол терисидан 84, Киевдаги кўн заводлари бирлашмасида кўй-эчки теріларидан 86 процентга етказиб биринчи сорт хром ишлаб чиқарилмоқда.

Бизда терини бўяшда асосан қўл чўткаси ишлатилади. Лекин шу иш «қуролимиз» ҳам

Хўжаликка партиявий раҳбарлик

ЧОРВАЧИЛИК — МУҲИМ СОҲА

Қашқадарё — республикамизнинг энг йирик чорвадор областларидан бири. Воҳамизда сершира пичанзорлар, яйловлар, қир-адирлар беполён. Бу ерса жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини тобора ошира бориш имконини бермоқда. Чорвадорларимиз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш юзасидан тўққизинчи беш йиллигининг иккинчи йили планини муваффақиятли уддаладилар. Чорва моллларининг маҳсулдорлиги анча ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Ҳар бош сигирдан ўртача 1400 килограммдан сут соғиб олинди. Бу 1971 йилдагига қараганда 350 килограмм кўпдир.

Сут етиштиришни кўпайтиришда Ульянов район чорвадорлари пешқадамлик қилаётирлар. Районда қейинги икки йил мобайнида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори қарийб икки баравар кўпайди. Ҳар бош сигирдан 2 минг килограммдан сут соғиб олинди. Қарши районидаги «Коммунизм», Китоб районидаги Куйбишев номли, Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхозларида ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳар бош сигирдан соғилган сут 2500-3000 килограммга етди.

Ульянов районидаги Ульянов номли совхознинг З. Чориева, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг М. Исаева, Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхозининг А. Жўраева каби сут соғувчилари ҳар бош сигирдан 4 минг килограммга етказиб сут соғиб олдилар. Областимизда 3000-3500 килограммчи сут соғувчилар сони кўпайиб бормоқда. Сигирлар маҳсулдорлигининг ошиб бораётгани, сутнинг мазали ва серқаймоқ эканлиги, моллар наслини яхшилаш, суттовар фермаларини механизациялаштириш, тўйимли ва ширали озуқабоп экинларни кўплаб етиштириш натижасидир.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бири — бўрдоқичилик ишларини тўғри уюштиришдир. Бу борада анча ишлар қилинди. Гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 306 килограммга, чўчқаларнки 115 килограммга, қўйларнки 45 килограммга етказилди. Бу соҳада бурноги йилдаги даражадан анча ўзиб кетилди. Шунингдек гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш мақсадида моллларнинг зотини яхшилаб, наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1971 йилда областимиз колхоз ва совхозларига 1800 бош асл наслли сигирлар келтирилди.

Жамоат чорвачилигининг равнақини мустаҳкам озуқа манбаисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда ем-хашак жамғариш, силос бостириш, мўл-кўл озуқа базаси барпо қилиш партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг доимий диққат-марказида бўлди. Табиий ўтлардан кўп миқдорда пичан тўплашга эришилди. Тўйимли ва ширали озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Озуқа экинлари учун энг серҳосил ва суғориладиган ерлар ажратилмоқда. Пахта-беда алмашлаб экиш ҳамда маккажўхорини лавлаги билан қўшиб экиш кенг жорий этилаётгани сабабли чорва моллларининг озуқа базаси анча мустаҳкамланди. Бедазорлар 28,5 минг гектарга етди. 10 минг гектардан ортиқ майдонда янги бедазорлар барпо этилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети 1972 йил август ойини ем-хашак тўплашда зардбор ой деб эълон қилдилар. Шу ойда барча шаҳар ва район марказларининг аҳолиси қишлоқ меҳнаткашларига дағал ҳашак ва пичан ўришда хашарлашдилар. Натижада областимизда ҳар қачонгидан ҳам кўп — 483 минг тонна дағал хашак жамғарилди. Кўпчилик хўжаликларда чорва моллари учун икки йилга етарли миқдорда озуқа жамғаришга эришилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли областимизда йирик чорвачилик комплекслари бунёд этилмоқда. Косон районида 10 минг бош чўчқага, Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз базасида 8 минг бош, Қарши районидаги бўрдоқичилик совхозида 3200 бош, Қамаши районида 3 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқичилик комплекслари қурилиши бошлаб юборилди.

Чорвачиликни комплекс механизациялаш соҳасида механизмлар етишмаётгани сабабли анчагина қийинчиликлар вужудга келмоқда. Масалан, колхоз ва совхозларда маккажўхори донини йиғиб оладиган комбайнларга эҳтиёж катта. Шундай комбайнлар сони ҳозирча анча озлиги туфайли жуда катта майдонларда етиштирилган маккажўхори дони қўлда йиғиштириб олиняпти. Сенаж тайёрлаш ва уни молхоналарга етказиб бериш ҳам етарли даражада механизациялашмаган. Чорвачилик механизмлари учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Ана шу сабабли биз Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ҳамда Совхозлар министрликларидан, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасидан сенаж тайёрлашда ва маккажўхори донини йиғиштириб олишда қўлланиладиган зарур механизмлари ва эҳтиёт қисмларни кўпроқ етказиб беришларини илтимос қиламиз.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, областимиз колхоз ва совхозларида чорвачилик соҳасида ютуқлар билан бирга баъзи камчиликлар ҳам бор. Чунончи, областимизда чорвачиликнинг айрим соҳаларидаги кўрсаткичлар республика даражасидан анча паст. Баъзи район ва хўжаликларда чорва моллларининг маҳсулдорлиги талаб даражасида эмас. Давлат стандартига етмаган, яхши семирмаган моллларнинг сўйиб юборилишига йўл қўйилмоқда. Озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги ҳамон пастлигича қоляпти. Чорвачилик бинолари қурилишига ва уни комплекс механизациялашга етарли эътибор берилмаётир. **Область партия комитети бундай аҳволнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тадбирларни белгилаб чиқди. Қолоқ хўжаликлар малакали ва тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Чорвачиликни бошқариш структурасини такомиллаштириш, бу соҳани хўжалик ҳисобига ўтказиш ва ана шу йўл билан чорвадор ходимларнинг масъулиятини ошириш тадбирлари амалга ошириляпти.**

Область колхоз ва совхозларида ҳозир 400 дан ортиқ ветеринария мутахассислари ишлаб турибди. Уларнинг ёрдами билан кейинги йилларда чорва моллларида учрайдиган бир неча касалликлар батамом тугатилди. Ценуроз ва эхинококкоз касалликларини тугатиш учун икки йилга мўлжалланган тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Бу соҳада бизга айниқса Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министрлиги мутахассислари ва Самарқанд ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини областимиз чорвадорлари зўр мамнуният билан қутиб олдилар. Бу муҳим ҳужжат областдаги барча хўжаликларда, чорвачилик фермаларида кенг муҳокама қилинди, қишловни намунали ўтказиш, чорва моллари туёғини кўпайтириш, уларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди. Кўпгина колхоз ва совхозлар чорвадорларининг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Қарши районининг чорвадорлари, Ульянов районидаги «Ўзбекистон» наслчилик заводи, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг Раҳмат Ҳасанов мудирлик қилаётган фермаси чорвадорлари, Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз коллективи ана шундай ташаббус билан чиқдилар. Область партия комитети уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Областимизда бу йил 24 минг тонна, беш йилликнинг охирига бориб эса 40 минг тонна гўшт етиштирилади. Сут етиштириш миқдори 40 минг тоннага етади. Чорва моллларининг маҳсулдорлиги янада оширилади. Ҳар бош сигирдан 1600 килограммдан сут, ҳар бош товуқдан 120 донадан тухум, ҳар бош қўйдан 3 килограммдан жун олинади. Давлатга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазни 350 килограммга етказилди.

Чорвачиликни ривожлантиришни малакали кадрларсиз сира тасаввур қилиб бўлмайди. Шу кунларда бу соҳада 14 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. 1235 коммунист уларга етакчилик қиляпти. Чорвадорлардан 7 киши энг юксак мукофот — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Деҳқонобод районидаги «1 Май» колхозининг бош чўпони Мамад Абдумуродов, Косон районидаги «Большевик» совхозининг бош чўпони Жўра Хўжамуродов, Қарши районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони Сероб Бойқулов ана шулар жумласидандир. Ўз касбига меҳр қўйиб, чорвачилик равнақи йўлида меҳнат қилаётган бундай тажрибакор ва ташаббускорлар областимизда анчагина. Улар чорва қишловини намунали ўтказишда бошқаларга ибрат кўрсатиб ишлашяпти.

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган областимиз яйлов баҳодирлари чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказадилар ва беш йилликнинг учинчи йилида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтирадилар.

С. МУРОДОВ,
Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетининг секретари.

Тошкент кўн-мўйна заводи коллективи ҳал қилувчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 65 минг сўмлик мўйнали маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришган. Ҳозирги кунларда корхона коллективи ана шу мақсад йўлида зиммаларига оширилган мажбуриятларини ошириб меҳнат қиляпти. Суратларда: (Юқоридан) 1. Мўйнали пальтолар тикиш цехининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зардбори Раҳима Сулаймонова. 2. Табиий қоракўл пальтолари тикув цехининг бир группа тикувчилари. 3. (чапдан) сараловчи Анна Рубинштейн, катта мастер Раиса Геллинская ва тикувчи Насиба Одиловалар тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришяпти.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

ОЛТИН САНДИҚ

Ўзбекистон мамлакатимизнинг олтин қазиб олинадиган районларидан бири. Республикамиз территориясида олтин саралаш комбинатларининг қурилиши фикримизнинг далили бўла олади. Партия ва ҳукуматимиз қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, ҳақиқатан ҳам геологларимиз ўзларининг бутун диққат-эътиборини олтин конларини қидириб топишга қаратмоқдалар.

Бир хил конларда олтининг тоғ жинсидаги миқдори саноат аҳамиятига эга бўлган миқдордадир.

Олимларимиз ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган геологларимиз ўз илмий-тадқиқотларини олтинни ҳар томонлама текширишга йўналтириб бормоқдалар. Жумладан А. Жирновнинг кейинги йилларда олиб борган текширишлари диққатга сазовордир. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳали жаҳонда коллоид ҳолатидаги (зарралари бир микрондан кичик) олтин топилгани йўқ. Лекин учраши мумкин, деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Кўпчиликни қизиқтирган ана шу коллоид ҳолатидаги олтин муфассал ўрганилди.

Унинг шу вақтгача топилмаганлигига асосий сабаб А. Жирновнинг айтишича, бу хилдаги олтин зарралари кичик бўлгани ва оддий олтиндан сиртдан фарқ қилгани бўлса керак.

Шунисн диққатга сазоворки, бу коллоид олтин оддий олтинни сақлайдиган жинсларда учрайди. Бу ўз навбатида олтинни қидириб топишда янги дарахти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

М. ЗОКИРОВ,
геолог.

ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларининг 30 январда Москвада ўтказилган умумий йиғилиши ССР Иттифоқи ташкил топган кунининг ярим асрлик юбилейига бағишланди.

Йиғилишни В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти П. П. Лобанов очди. Қишлоқ хўжалик Фанлар академияси президентининг биринчи ўрин босари Д. Д. Брежнев ССР Иттифоқи ташкил топган кунининг 50 йиллиги ва қишлоқ хўжалик фанининг ривожланиши тўғрисида доклад қилди.

Докладчи бундай деди: ҳозирги вақтда мамлакатимизда 774 та илмий-тадқиқот қишлоқ хўжалик муассасаси, шу жумладан 211 институт, 268 та тажриба станцияси, 300 га яқин йирик лабораториялар бор. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги 102 та қишлоқ хўжалик олий ўқув юртида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ана шу муассасаларнинг ҳаммасида 55 минг илмий ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг сони ана шу профиль бўйича АҚШ каби энг йирик капиталистик мамлакатда ишлаётган олимлар миқдоридан икки баравар ортиқдир.

Совет олимлари деҳқончилик, агрохимия, ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик чорва моллари генетикаси ва селекцияси назарий масалаларини ишлаб чиқишга, деҳқончилик ва чорвачилик практикасига катта ҳисса қўшдилар.

Йиғилишда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси маҳаллий бўлимларининг академик-секретарлари — Сибирь бўлимининг академик-секретари И. И. Синягин, Жанубий бўлимининг академик-секретари М. В. Кузьменко, Шарқий бўлимининг академик-секретари Ф. М. Мухамедгалиев, Закавказье бўлимининг академик-секретари И. М. Хохлов, Ўрта Осиё бўлимининг академик-секретари Г. М. Рудаков ҳам сўзга чиқдилар. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ғарбий бўлимининг академик-секретари номидан академиянинг мухбир аъзоси Ю. В. Лазаускас докладни ўқиб берди. (ТАСС).

МОНГОЛИЯ СОДИҚ ФАРЗАНДИНИНГ ХОТИРАСИ

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 1 февралда бўлиб ўтган йиғилиши монгол халкининг атоқли фарзанди, Монголия Халқ Революцион партиясининг асосчиси Сухэ-Батор туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланди. Ишчилар, хизматчилар, студентлар, фан ва маданият арбоблари Низомий номидаги педагогика институтининг мажлислар залига келдилар.

Ўзбекистон ССР министри Ф. Х. Хўжаев мажлис аҳлига Монголиянинг таниқли ҳарбий ва давлат арбоби Сухэ-Баторнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб берди.

Тошкентда таълим олаётган монгол ёшларининг вакили ТошДУ аспиранти Мунгбаяр нутқ сўзлади. Унинг нутқини йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олдилар. У ўз мамлакатига доимо ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлаб келаётганлиги учун совет кишиларига миннатдорчилик изҳор этди.

Йиғилиш қатнашчилари монгол — совет дўстлиги жамиятининг Марказий Совети номига табриknома йўлладилар. Табриknомада шаҳар меҳнаткашлари икки қардош мамлакат дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаяжаклари изҳор этилади.

ВЬЕТНАМЛИК ДЎСТЛАРИМИЗ, СИЗЛАРГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

Ўзбекистон пойтахтининг корхоналари, муассасалари ва ўқув юртларида митинглар ўтказилмоқда. Бу митингларнинг қатнашчилари Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш ҳақида Парижда имзоланган битимлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Тошкент темирйўлчиларининг митингида юк хизмати инженери Муҳаммаджон Иноятов ҳаммаларнинг фикрини изҳор қилиб бундай деди:

— Қаҳрамон Вьетнам халқи нихоят кўпдан буён орзу қилинган тинчликка эришди. Бу— Вьетнам ватанпарварларининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги ҳаққоний курашини кўп йиллар мобайнида актив қўллаб-қувватлаб келган яхши ниятдаги барча кишиларнинг ғалабасидир. Вьетнамлик дўстларимиз уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш борасида ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар, деб ишонамиз. Биз, совет кишилари бу соҳада уларга бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёрмиз. Вьетнамлик дўстлар, сизларга муваффақият тилаймиз!

Нефтни қайта ишлаш саноати Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг ходимлари митингида химия фанлари кандидати Инобат Турдимуҳамедова сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди:

— Советлар мамлакатининг ҳар бир ишчиси, колхозчиси, олими ва студенти жафокаш Вьетнам тупроғида уруш ҳаракатлари тўхтатилганлигидан астойдил хурсанддир. Вьетнам халқи социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг қардошларча ёрдами билан американчалик империалистлар етказган оғир жароҳатларни тез орада даволашига шак-шубҳа йўқ.

Митингларнинг қатнашчилари ўз резолюцияларида Вьетнам халқини ғалаба билан табрикладилар, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ташқи сиёсатини қизғин маъқуллладилар. (ЎзТАГ).

ҚУШИҚ ҲАММА ЕРДА ЯНГРАЙДИ

Наманган область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда область маданият бошқармаси ҳамкорликда «Қўшиқ ҳамма ерда янграсин» шиори остида қишлоқ бадиий ҳавас корларининг бир ойлик кўрик-конкурсини ташкил этди. Маълумки, аввалларн фақат ташаббускор колхоз ва совхозларгина ўз хоҳишлари билан бадиий ҳаваскорлик тўгараклари тузишар-ди. Эндиликда эса областдаги барча колхозлар ва совхозларнинг маъмуриятлари, партия ташкилотлари зиммасига ана шундай тўгараклар тузиб, уларга ҳаваскор ёшларни жалб этиш вазифаси юклатилди.

Кўрик-конкурсда аввалдан белгилаб чиқилган графикка асосан навбатма-навбат иштирок этаётган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва ансамбларининг қатнашчилари ўз санъатларини намойиш этмоқдалар ҳамда шу билан бир вақтда устод санъаткорлардан истеъдодларини янада такомиллаштириш йўлида катта сабоқ олмоқдалар.

Ҳа, қаердаки эшула, қўшиқ, куй янграса, ўша ерда қувонч, шод-қўррамлик ҳукмронлик қилади. Яхши ташаббус қанот ёйсин, ҳамма жойда қўшиқ янграйберсин.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

КАТТА ВАЗИФАЛАР

Ҳозирги босқичда партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг уч асосий қисми — комплекс механизациялашдан, химиялаштиришдан ва ерларни кенг кўламда мелиорациялашдан иборат. Партия кун тартибига ана шу вазифаларни қўйди. Айни кезда агротехниканинг барча талабларига риоя қилинган, уруғчилик яхши йўлга қўйилган, ўғит тўғри ишлатилган, сув хўжалиги қурилишидан тўғри фойдаланилган жойларда қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш мумкинлигини ўқтирди.

— Табиат табиат-ку-я, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев СССРнинг 50 йиллиги ҳақидаги докладида, — **лекин иш ишлигича қолаверади. Хўжалик юритишнинг юксак маданияти, актив, фидокорона меҳнат табиий офатларга қаршн курашнинг энг яхши қуролидир.**

Бизнинг «Фарғона» совхозимиз Мирзачўлнинг қоқ ўртасига жойлашган. Шу вақтгача асосан икки йўналишда — пахтачилик ва бедачилик соҳасида иш олиб борилди. 1972 йилдан бошлаб йирик чорва фермаси ташкил этилди. Унда қорамолчиликни ривожлантириб, сут ва гўшт етиштириш назарда тутилди. Пахта-беда алмашлаб экишнинг кенг қўлланилиши, янги ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилаётган ерларга дастлабки даврда беда, маккажўхори, оқжўхори, лавлаги ва бошқа экинларнинг экилиши чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш имкониятини берди. Ҳозир хўжалигимизда ана шу уч муҳим тармоқни шаҳдам тараққий эттириб, она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп пахта, аҳолига чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун ҳамма имкониятлар бор, ўша имкониятларни тўла ишга туширш чораларини кўряпмиз. Мақсадимиз беш йиллик охиригача ялпи пахта миқдорини 20 минг тоннага етказишдир.

Яхши ният амалий иш билан мустаҳкамланган-дагина реал кучга айланади. Лекин ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, **станок ёнида ёки далада, чорвачилик фермасида, илмий тадқиқот институтида ёки хизмат соҳасида меҳнат қилувчи киши ўз қалби, ўз юрагининг ҳароратини ишга бағишламас экан, энг яхши режалар ҳам бажарилмай қоларади.** Биз Сирдарё области совхозлари орасида биринчи бўлиб 20 минг тонналик маррани нишонга олган эканмиз, шу мақсадга эришмоқ йўлларини обдон ўйлаб чиқдик, реал режалар туздик.

Ҳосилдорликни ошириш — бош масала. Пахта майдонимиз ҳозирча 6.000 гектарлигича қолади. Кейинчалик уни кенгайтириш борасида ҳам катта ишлар қиламиз. Ҳосилдорликни ошириш йўли билан ялпи тоннани кўпайтириш бош масала қилиб қўйилди. Бу соҳада анча муваффақиятларга эришилганини исбот этувчи рақамлар бор. Масалан, 1969 йилда ҳар гектар ердан пландаги 14 центнер ўрнига 15,1 центнердан пахта хирмони кўтарилди. Ҳосилдорлик 1969 йилда 17,8 центнерни, 1970 йилда 21,9 центнерни, 1971 йилда 22 центнерни ташкил этди. 1972 юбилей йилида ҳосилдорликда аввалги йилларнинг кўрсаткичларидан ўзиб кетилди ёки, бошқачасига айтганда, ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта олиб, социалистик мажбурият шараф билан адо этилди.

Шундай савол туғилади: кейинги тўрт йилда 15,1 центнерлик ҳосилни 25 центнерга чиқариб, 15 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрлаган совхоз беш йиллик охиригача ҳосилдорликни янада ошириш ҳисобига 20 минг тонналик маррани эгаллай олмайдими? Албатта эгаллайди! Бунга шубҳа йўқ.

Ҳосилдорликни кўтариш учун нималар қилиш керак? Бизнинг шароитимизда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки сизот сув юза жойлашган, шўр кўл, ер ботқоқланиб туради. Натижада структураси бузилади. Ундай ердан юқори ҳосил олиш қийин, албатта. Ерларнинг унумдорлигини оширишда давлатимиз катта моддий-техника ёрдами беряпти. Механизмлар воситасида қудуқсимон зовурлар қазилиб сизот сув пасайтириляпти. Ўз кучимиз, техникамиз билан шўр ювиб, тупроқнинг донадорлигини оширяпмиз. Эндиликда усти ёпиқ зовурлар чиқариш услуби кенг қўлланиляпти. Натижада экин майдонининг «пўстимба»га чиқиши камайяпти. Совхозимиз территориясидан шахмат усулида ўтган зовурларнинг ҳар йили қазилиб турилиши ҳам сизот сувни камайтиришда катта аҳамиятга эга бўляпти. Биз бундан кейин ҳам ана шу йўлдан — ирригация-мелиорация ишларини кучайтириш билан барча экинзорларнинг, хусусан пахтазорларнинг унумдорлигини ошириш йўлидан борамиз. Ер унумдорлигининг ортиши — пахта ҳосилдорлигининг кўтарилиши деган сўз.

Ҳосилдорликни оширишнинг яна бир муҳим резерви бор. Бу бўлимлар, бригадалар ўртасидаги тафовутни тугатишдир. Кўпинча об-ҳаво, ер, сув шароити бир хил бўлган бригадалар ёки бўлимларда ҳосилдорлик турлича бўлади. Буни ўз хўжалигимиз мисолида кўришимиз мумкин. Жумаш Назаров, Бахромжон Раҳимов, Уролбой Пардаев, Мухторали Охунов, Шукурбек Шердилов, Солижон Мирзаев бошлиқ бўлимларда ҳосилдорлик ҳар йили гектар бошига ўртача 6-7 центнер, ҳатто ундан кўпроқ кўтариляпти. Ҳар бир ишловчи ҳисобига пахта етиштириш ортяпти. Ҳозир бу бўлимларда 31-32 центнерлик марра эгалланди.

Лекин нисбатан кам ҳосил олаётган, ҳатто совхоз бўйича эришилган кўрсаткиндан орқада қолаётган бўлимлар йўқ эмас. Уларнинг экинзорлари ҳам дуруст, сизот сув камайтириляпти, шўри ювиляпти. Техника воситалари, ўғит баравар тақсимланяпти. Қўеш Мирзачўл ерларига бир хил нур сочяпти. Шундай шароитда нега айрим бўлимлар ҳосилдорликда орқада қолади? Биз маъмурият ва партия ташкилотининг қўшма йиғилишида касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари иштирокида бу масалани тўла таҳлил қилиб чиқдик. Бўлим бошқарувчилари ўз дардини ўртага ташлади, камчиликлар рўй-рост айтилди. Ўртадаги тафовутни тугатиш, нисбатан камҳосилли бўлимларни юқори ҳосилли бўлимлар даражасига етказиш тадбирлари белгиланди. 1973 йилда ҳамма пахтачилик бўлимларимиз 28-30 центнерлик чўққига кўтарилиш, илғорлари эса 35 центнердан ошириб пахта беради.

Пахтачилик бригадалари орасида ҳам шундай фарқ бор. Очилди Мирзаюсупов, Аҳмаджон Усмонов, Раҳмон Қаршиев, Дониёр Эшимовлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари чўлда шижоат, матонат намуналарини кўрсатиб меҳнат қиляпти, қатор табиий офатлар юз беришига қарамай пахтадан муттасил юқори ҳосил олиб, катта даромад эгаси бўляпти. Бу бригадалар юбилей йилида салкам 40 центнерга етказиб пахта берди, давлат плани, зиммага олган социалистик мажбуриятини шараф билан адо этди.

Юқори ҳосилдорликнинг сири нимада? Чигит вақтида экилади, ҳар гектар майдонда белгиланган миқдорда ниҳол бўлишига эришилади. Кўчатлар мавсум охиригача сақлаб қолинади. Чопик, культивация, озиқлантириш ва суғориш ўртасида узилишга йўл қўйилмайди. Бунинг учун олдиндан пухта тараддуд кўрилади, ишчи кучлари, техника воситалари дала ишларини вақтида бажаришга сафарбар этилади. Тежамкорлик, сифатга алоҳида аҳамият берилади. Ҳадеб давлат омборидаги ўғитга умид боғлаб ўтиравермасдан, ички ресурслардан фойдаланилади. Бу бригадаларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Одамлар мусобақалашиб ишлайди. Ҳамма ишга эрта чиқади, кеч қайтади, бир кунда камида бир ярим — икки норма бажаришга ҳаракат қилади. Онгли интизом, ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсатиб, бу бригадалар пахтадан юқори ҳосил оляпти.

Совхозимизда машина теримнинг ўсиши
(Тонна ҳисобида)



Бироқ, меҳнат интизоми бузилаётган, агротехника тадбирларини амалга оширишда қулай фурсатни қўлдан бой бериб қўяётган бригадалар ҳам борки, уларда гарчанд пахта тайёрлаш плани бажарилаётган бўлсада, ҳосилдорлик кескин кўтарилмаяпти. Биз ўша бригадаларни ҳам илғорлар даражасига кўтаришни назарда тутмоқдамиз. Бунинг учун бригада бошлиқларининг назарий билими, малакасини оширишга алоҳида эътибор қилмоқдамиз. Нисбатан камҳосилли бригада бошлиқлари юқори ҳосилли бригада бошлиқлари ҳузурида бўлиб, уларнинг иш методини ўрганмоқдалар, ўғитлардан фойдаланишдаги тажрибасини ўртоқлашмоқдалар. 1973 йилда 35-40 центнерни бригадалар сонини ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўпайтирамиз. Шуни назарда тутиб ҳар бир бригада бўйича конкрет топшириқлар белгилаб чиқдик.

Механизация — ҳал қилувчи куч. Биз бунда асосан терим билан боғлиқ бўлган механизмларни кўзда тутмоқдамиз. Чунки эндиликда теримни комплекс механизациялаш кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолди. Бу туркумга пахта териш машиналари, кўсак узиш, кўрак чувиш, тўкилган пахтани териб оладиган подборшчиклар, ғўзапоя юлиш агрегатлари, тележкалар киради. Уларнинг ҳаммасидан унумли фойдаланилгандагина иш унуми юқори бўлади, теримда кўл кучи кам ишлатилади, (айрим бўлимлар, бригадаларда ҳатто ишлатилмаяпти), фурсатдан ютилади. Теримни комплекс механизациялаш ҳар центнер пахтанинг таннархини камайтиришда катта роль ўйнайди.

Совхозимизда 150 тадан зиёд терим машинаси бор. Бошқа хил механизмлар ҳам етарли. Биз ҳар доим ҳамма маркадаги машиналар ва механизмлар қувватидан унумли фойдаланиб келяпмиз. Шунинг учун ҳам давлат пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятларни илғорлар қаторида муддатидан илгари адо этишга муваффақ бўляпмиз.

Совхозимизда теримни комплекс механизациялашда, хусусан машиналарнинг қувватидан тўлароқ фойдаланишда яхши натижаларга эришилаётгани диаграммадан кўриниб турибди. Хўш, бу давлатга ва ишчиларга қандай иқтисодий фойда келтирди деган савол туғилади. Шуни айтиш керакки, ҳосилдорлик оширилиши, терим комплекс механизациялаштирилиши туфайли давлатнинг ишлаб чиқариш сметасида белгиланган маблағидан катта қисми тежаб қолиняпти, айни кезда соф фойда йилдан-йилга кўпайяпти. Масалан, хўжалигимиз бўйича 1968 йилда 3 миллион 300 минг сўм даромад олиш кўзда тутилган бўлса, амалда 3 миллион 400 минг сўм даромад олинди. Даромад 1969 йилда 4 миллион сўм, 1970 йилда 5,8 миллион сўм, 1971 йилда 8,2 миллион сўм ва ниҳоят, 1972 юбилей йилида 9 миллион сўмга етди. 1968 йилда давлатга 100 минг сўм соф фойда берган совхозимиз 1972 йилга келиб 3,4 миллион сўм соф фойда келтирди.

Биз теримни комплекс механизациялаш йўлидан дадил олга боряпмиз. Шу мақсадда янги машиналар харид қиляпмиз, механизаторларнинг янги отрядини тарбиялаб камолотга етказяпмиз. Бу табиий ҳол. Чунки пахтачилигимиз бундан кейин ҳам фақат техникага таянилган ҳолда тараққий эттирилади. Шу ўринда бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиздир.

Совхозимизга Тошкентдаги Низомий номли давлат педагогика институти отлиқ қилади. Институт коллективи билан совхоз ишчилари ўртасида яхши муносабат ўрнатилди. Улар бизга бутун йил давомида жуда онгли равишда ёрдам беряпти, терим даврдаги кўмагидан айниқса мамнунмиз. Биз институт ректорати ва партия комитети билан келишиб студентлардан механизаторлар тайёрлашга қарор қилдик. Бу соҳада ҳозирдаёқ анча муваффақиятларга эришдик. Бундан чиқадиган хулоса шуки, пахтачилигимиз ойдин йўлга чиқиб олган ҳозирги шароитда ҳамма жойда механизатор кадрлар тайёрлаш масаласини биринчи ўринга қўймоғимиз керак. Давр шуни тақозо этяпти. Пахтачиликка механизациянинг кенг жорий этилиши механизатор кадрларнинг шахсий манфаатдорлигини ошириб, техникага бўлган ихлосини кучайтиряпти. Буни қуйидаги мисолдан кўриш бўлади.

1968 йилда бир ишчининг ойлик маоши ўртача 126 сўмни ташкил этган бўлса, бир механизаторнинг маоши 150 сўмни ташкил қилди. Шундан кейинги йилларда ҳам тафовут ўсиб борди. 1970 йилда бир ишчи ойига ўртача 160 сўм иш ҳақи олгани ҳолда, бир механизатор ойлик иш ҳақини 230 сўмга туширди. Ўтган юбилей йилининг кўрсаткичи янада қувончли бўлди. Бир ишчининг ойлиги 183 сўм, механизаторнинг ойлиги 270 сўмни ташкил этди. Мукофот тарикасида бериладиган ҳақ бу ҳисобга кирмайди. Бунинг учун ҳам ишчиларнинг кўпчилиги механизатор бўлиш ҳоҳишини билдирмоқда. Биз уларнинг талабини қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Партиямиз механизаторларни қишлоқдаги марказий фигура деб атади. Ҳақиқатда юкнинг оғирини дадил кўтарадиган, йўлнинг узоғини толиқмай босадиган механизаторлардир. Биз уларнинг фидокорлик билан меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқдамиз, бой тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдамиз. Қудрат Тоғаев, Алижон Ашуров, Миндат Жемилов, Манзура Қодирова, Каниза Абдуллаева каби механик ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири мавсумда 250 тоннадан 500 тоннагача пахта териб ўз касбини шарафлаяпти, теримни комплекс механизациялашга муносиб ҳисса қўшяпти. Биз ана шу донгдор механизаторларимизнинг тажрибаси асосида яқин фурсатда совхозда механизаторлар мактаби ташкил қилишни режалаб қўйдик. Беш йиллик охиригача ялпи пахта миқдорини 20 минг тоннага етказиш ниятимиз бор экан, бу умумхалқ курашида механизаторларимиз байроқдор бўладилар.

Совхозимизда кўклам экиш мавсумига тайёргарлик ишлари поёнига етказилмоқда. Техника ремонт тугалланмоқда. Маҳаллий ўғит жамғариш, минерал ўғитни ташиб олиш кучайтирилмоқда. Ерларни яхоб бериш ва шўр ювишга тайёрламоқдамиз. Партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи давраси — 1973 йилда она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп пахта етказиб берамиз.

Собиржон СИДДИҚОВ,
Сирдарё областидаги 18-«Фарғона» совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БАЛИҚЧИЛАР ХОНАДОНИДА НУР

МУЙНОҚ. Беш йилликнинг ҳал қилувчи — учинчи йилини шаҳар энергетиклари яхши бошлаб юборишди. Улар қуввати 5 минг киловатт келадиган подстанция қурилишини барвақт битказиб, Қўнғиротдан Мўйноқ-қача — 82 километр масофага электр линияси тортдилар. Бу ишда «Средазэлектросетстрой»нинг 71- ва «Узсельэлектросетстрой»нинг 8- механизациялашган кўчма колонналари инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг хизмати катта бўлди. Айниқса, электр линияси ишчиларидан Е. Гладушко, К. Сейтназаров, В. Волошинлар пешқадамлик қилдилар.

Эндиликда Орол балиқчилари Тахиатош ГРЭСидан доимий электр энергияси оладиган бўлишди. Шу кунларда балиқчилар хонадонларида Ильич нури порлаяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,

АНДИЖОН, Сўфиқишлоқ поёлкасида қурилган экспериментал пахта тозалаш заводи ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Корхона замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, асосий цехлар тўла автоматлаштирилган. Ҳалқилувчи йил социалистик мусобақасига қўшилган корхона коллективи айни кунларда янги мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Суратда: заводнинг илғор ишчиси Ҳадичахон Давронова иш устида.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ФОРИШ РАЙОНИДА

САНЪАТКОРЛАР — ОТАРЛАРДА

Ҳозир қиш чилласи. Республикамиз кенг яйловларини оппоқ қор кўрпа қоплаган. Адирлар ўзгача манзара касб этган. Яқинда бир группа бадиий ҳаваскорлар чорва қишловини муваффақиятли ўтказишда ва қийин ва шарафли иш олиб бораётганлар чўпонлар орасида бўлишди. Улар ўз қўшиқ рақслари билан чорвадорларни хушнуд этишди. Районда анча танилиб қолган ёш санъаткорлардан Гулнора Валиева, Омонгул Худойбердиева ва Эркин Орзиқуловлар отарларда дилрабо қўшиқлар таратиб, чўпонлар олқишига сазовор бўлдилар. Район маданият уйининг ҳаваскорлари чорва қишлови даврида Киров номли, «Қизилқум», «Чимқўрғон», «Фориш» ва «Арнасой» совхозлари қўйчивонларининг ҳам меҳмони бўлишмоқчи.

САВДО ХИЗМАТИ

Савдо ходимлари ҳам чорва қишлови даврида қўйчивонлар, молбоқарлар ва механизаторларга маданий савдо хизмати кўрсатишга аҳд қилишди. Қишли-қировли кунларда 15 та кўчма дўкон яйловлар томон йўл олди. Автолавка мудирлари узоқ отларда меҳнат қилаётган чўпонларга озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийим-кечак ва зарур уй-рўзғор буюмлари олиб бордилар. Кўчма дўконларда маданий хизмат кўрсатувчи Б. Келдиёров, Н. Мавлонов, Ё. Жилқибоев каби сотувчиларнинг хизматидан чорвадорлар мамнун бўлиб қолишди. Сотувчилар отарма-тар маданий савдо хизмати кўрсатишмоқда.

ЯЙЛОВГА ЙЎЛ ОЛГАН ШИФОКОРЛАР

Район бирлашган касалхонаси шифокорлари хайрли ишга қўл уришди. Улар район чорвадорларига медицина хизмати кўрсатиш учун яйловларга отландилар. Медицина хизмати кўрсатувчи шифокорлар группасига «Ҳаракатдаги амбулатория» номи берилди. Хизмат кўрсатиш группасига тажрибали врачлардан 9 киши бириктирилди. Шифокорлар «Қизилқум» ва «Фориш» совхозларининг узоқ ферма ва отларларида чўпонларнинг саломатлигини кўздан кечирадилар. Шифокорлар орасида область касалхонасининг врачларидан Ҳ. Ҳожиматов, С. Жабборовлар бор. Улар Ильич номли ва «Омонгелди» совхозларининг меҳнаткашлари орасида медицина фанининг ютуқлари тўғрисида мазмунли суҳбатлар ўтказишяпти.

У. ДОСТОНОВ.

ШАҲАРЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

КИМЁГАРЛАР МАСКАНИ

Чирчиқ — саноат шаҳри, кимёгарлар шаҳри. У ҳали ёш, энди 38 баҳорни кўрди. Лекин ана шу ўтган қисқа вақт ичида шаҳар экономикаси ва маданияти беқиёс юксалди.

Чирчиқ дарёсида гидроэнергия ресурсларининг кўплиги машҳур энергетик олим, академик И. Г. Александровнинг диққатини тортди. Олим раҳбарлигидаги экспедиция иши самарали якунланди. 1926 йил 1 майда Бўзсув, кейинчалик Чирчиқ, Тобоқсой, Оққовоқ ГЭСлари ишга туширилди. Бу эса Чирчиқ шаҳрининг ташкил топишида асосий негиз бўлди. 1934 йил 1 майда Чирчиқ шаҳар ҳуқуқини олди.

Ҳозир шаҳарда ҳаммаси бўлиб 22 та гигант корхона ишлаб турибди. Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени электрохимия комбинати, Меҳнат Қизил Байроқ ордени қишлоқ хўжалик машиналари заводи, «Ўзбекхиммаш» заводи, трансформатор заводи, нон заводи, «Гунча» тўқимачилик комбинати, гўшт комбинати ана шулар жумласидандир.

Чирчиқ шаҳри маркази босилган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда.

Ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш шаҳар партия, совет ташкилотларининг диққат-марказида турибди. Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга дадил жорий этилмоқда. Корхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир. Ихтирочилик таклифлари амалга оширилаётир, Бунинг натижасида ўтган беш йилликда 26,3 миллион сўм фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги 27,4 процент ошди. Тўққизинчи беш йилликда бу кўрсатнич 47 процентга етади, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 45-49 процент кўпаяди.

Эндиликда Иттифоқимиздаги 2 минг корхона Чирчиқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидори. Волжск, Кама автомобиль заводлари, Череповец металлургия, Шимолий Дон, Навоий химия комбинатларига, шунингдек, 38 хорижий мамлакатга машина ва ускуналар сотилмоқда.

Шаҳарда саноат корхоналаридан ташқари 11 қурилиш ташкилоти, 6 та автомобиль ва темир йўл хўжаликлари ишлаб турибди. Шаҳарда ободончиликнинг яхшиланиши, маҳсулот реализация қилишнинг кўпайиши, корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлашда ана шу ташкилот ва хўжаликларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ободончилик борасида шаҳарлараро ўтказилган мусобақада голиб чиққан Чирчиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғини 5 марта олишга муваффақ бўлган.

Шу кунларда беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Б минг чирчиқлик беш йиллигини тўрт йилда бажаришга сўз берган. Бу чинакам оммавий қаҳрамонлик. Ҳозир 500 ишчи 1973 йилнинг иккинчи ярми ва 1974 йиллар ҳисобига ишлаётир. Улар орасида И. Дубовая, О. Усмонов, А. Александрова, Ш. Ибодуллаева, В. Аксмуллаев, А. Мартин, А. Маҳоркин, А. Карнаухова, А. Савчук каби донгдор ишчилар бор.

Ҳеч шубҳа йўқки, чирчиқлилар ўз олдиларида турган улуғвор вазифаларни шараф билан бажарадилар. Бу эса уларнинг коммунистик қурилиш ишига қўшган ҳиссалари бўлади.

Э. ТОШБЕКОВ,
иқтисод фанлари кандидати, Тошкент Давлат университетининг доценти.

ДЕҲҚОНЛАР ЎҚИЯПТИ

НАМАНГАН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда, чорвачилик рентабеллигини оширишда агротехника, зооветеринария билимларини пухта эгаллаш катта роль ўйнайди. Область партия комитети ва область қишлоқ хўжалик бошқармаси бу нарсага катта аҳамият бермоқдалар. Бир неча йилдан бери қиш пайтида қишлоқ хўжалик кадрларининг ўқиши ташкил этилмоқда.

Заркент қишлоғида очилган қишлоқ хўжалик кадрлари ўқувининг биринчи кунида область партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳ. Охунов пахтачиликда 1972 хўжалик йили якуни ва навбатдаги вазифалар ҳақида лекция ўқиди.

Қишлоқ хўжалик кадрлари ўқишида иштирок этаётган колхоз раислари ва совхоз директорлари, бош агрономлар, бўлим бошлиқлари ва бош инженерлар, зоотехниклар, ферма бригадирлари ҳамда пахтачилик бригадасининг бошлиқлари пахтачиликни янада ривожлантиришга доир фан ютуқлари, илғор тажрибалар билан танишмоқдалар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Халқ кулолларн ҳақида ҳикоя қиламиз

СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР

Хушманзара, осмонўпар чинорлар билан ўралган, тоғлар бағрига жойлашган Ургутда моҳир ҳунармандлар, уста кулоллар кўп. Ана шулардан бири Маҳкам Облоқуловдир.

Биз яқинда Маҳкам кулолникида бўлдик. Кулолнинг ижодхонасига кирганимизда у қизғин иш устида экан. Санъатига, маҳоратига маҳлиё бўлиб ўтирдик. Қўли-қўлига тегмайди, чақкон ишлайди. У ёнидаги лойдан бир чангал олиб юмолоқлайди-да, дастгоҳга қўяди. Дастгоҳ оёқ ёрдамида чарх айланади. Кулол қўлидаги лой парчаси гоҳ кичраяр, гоҳ катта бўлар, гоҳо турли-туман шаклларга кирарди. Орадан бироз вақт ўтгач, кулол қўлида бежирим, силлиқ, чиройли товоқ пайдо бўлди. Уни кузатиб турган ҳамроҳимиз «қойил» деб қўйди.

Кулол уст-бошини тозалаб, лойли қўлларини ювиб ёнимизга келиб ўтирди. Ҳол-аҳвол сўраштик, суҳбатлашдик.

— Кулоллик бизга ота-бобо касб, — деб гап бошлади у.— Икки ўғлимни ҳам кулол қилиб тарбиялядим. Катта ўғлим Темиржон ҳозир ўзимдай сопол буюмлар ясай олади...

— Ўзингиз неча йилдан бери кулолчилик билан шуғулланасиз? — сўрадик.

— Қирқ йилдан ошди, — жавоб қилди у.

Маҳкам Облоқулов севган ҳунари, уста санъатқорлиги билан элда эътибор топди. У яратган буюмлар рўзғорларимизга файз киритмоқда. Ургутдаги, қолаверса Самарқанд областидаги кўпчилик хонадонларга кирсангиз сирланган, нақшли сопол буюмларга кўзингиз тушади. Ана шу буюмларда унинг бармоқ излари бор.

Маҳкам аканинг бобоси ҳам ўз замонасида уста санъатқор бўлган. Отаси Облоқул Хидиров эса бутун Зарафшон воҳасида довруг таратган кулол эди. Маҳкам ака Ургут кулолларининг еттинчи авлоди ҳисобланади. У ўн ёшдаёқ оддий буюмлар шокоса ва товоқ ясай оларди. Секин-аста чиройли рўзғор буюмлари яратадиган бўлган, тажрибали кулол сифатида танила борган. Область, республика кулолларининг оқсоқоли, маслаҳатгўйи бўлиб етишган. Таниқли кулол сифатида СССР Рассомлар союзи аъзолигига қабул қилинган.

Биз кулол ижодхонасида узоқ вақт қолиб, устанинг ҳунари билан, ишлаш усули билан яқиндан танишдик. Устахона оддийгина. Эшик ёнида дастгоҳ, тўрида хумдон. Ўртада ярғичоқ. Турли буюмлар қуйидаги аралашмалардан ясалар экан: бир килограмм оддий сариқ тупроққа Чўпон отанинг икки юз грамм гилмояси қўшилади, лой қилиб хўб пишитилади. Қоришмадан дастгоҳ ёрдамида истаган буюм ясалади. Бир оз қуритилгач, унга Могиён гилмояси суртилади. Яна қуритилади, ўйма нақшлар чиқарилади, кейин шу буюмлар юзига қўрғошин, темир қолдиқлари, оқтош уни аралашасидан тайёрланган сир югуртирилиб, хумдонда кучли олов билан 1200 даража иссиқликда пиширилади. Қарабсизки, ўша лойдан кўза ёки товоқ тайёр. Бир чангал лой уста кулолнинг сеҳрли бармоқлари ёрдамида нақшли, гўзал ва нафис сопол буюмга айланади!

Бир қараганда, иш осон кўчгандай туюлади. Лекин, битта оддий коса ясаш учун қанчаданқанча вақт, куч сарфланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аввал лой қилинади, пишитилади, ниҳоят буюм ҳолига келтирилади. Қуритилади, нақш чиқарилади, яна қуритилади, юзига сир югуртирилади. Буюмлар шакллантирилгач, хумдон ичига бирма-бир териб чиқилади. Пиширилади. Ҳатто сир тайёрлашнинг ўзи ҳам жуда машаққатли. Кулол тоғдан оқтош ташиб келади, уни ярғичоқда янчади. Тош оппоқ унга айлантирилгандан кейин унга темир, қўрғошин қолдиғи, сув қўшиб яна ярғичоқдан ўтказади. Шу усулда бўёқ — сир ҳосил қилинади. Кулол Маҳкам аканинг кундалик ижодий иши шу зайлда давом этади. У ҳар доим изланади, янги нусхалар, чиройли безаклар топиб фойдаланишга интилади. Ҳар бир янгиликдан ўзи завқланади, ўзгаларга ҳам завқ улашади.

— Энг яхши буюмларингиз билан танишсак мумкинми? — илтимос қилдик кулолдан.

— Марҳамат...

Янгидан сувалган болохонали уйга чиқдик. Шинамгина хонада дид билан ишланган санъат буюмлари терилиб қўйилибди, Улар худди сопол буюмлар кўргазмасини эслатади. Ерда ҳам, токчаларда ҳам қўшқулоқли кўзалар, товоқ, чойнак-пиёлалар, сирлари ярақлаб турган турли сопол буюмлар. Нақшин безакли нафис буюмлар кўзингизни қувонтиради.

— Бунисн ажойиб экан, — деди ҳамроҳимиз, деворда осиб қўйилган катта товоққа қараб.

— Ана у чеккадагиси нима, самоварга ўхшаб қолибдими?

— Ҳа, топдингиз. Бунга «Ургут самовари» деб ном берганмиз.

Кулол ижод этган «Ургут самовари» ғўзаллиги, оч-сариқ ранг берилганлиги билан бошқа буюмлар орасида ажралиб туради. Бежирим, нафис ишланган.

Ҳозир Маҳкам Облоқулов ясаётган сопол буюмлар фақат Иттифоқимизда эмас, чет элларда ҳам доврўг қозоняпти. Москва ва Ленинград музейларида кулолнинг сопол ясаган самовар, катта товоқ ва бошқа буюмлари сақланмоқда. Маҳкам Облоқуловнинг сопол буюмлари Японияда ўтказилган «ЭКСПО-70» жаҳон кўргазмасида ҳам намойиш қилинди.

Бир неча йилдирки, Маҳкам ака қўшни республикалардан, узоқ шаҳарлардан буюртмалар қабул қилмоқда. Шу муносабат билан у ўтган йили СССР Рассомлар союзига 500, Украина Рассомлар союзи ихтиёрига 150 дона нафис ва гўзал кўза, офтоба, товоқ, коса тайёрлаб берди. Бу йил Ўзбекистон Рассомлар союзи учун минг дона шундай буюмлар ясаб бермоқчи.

Уста кулол бу йил Деҳлида ўтказиладиган санъат буюмлари кўргазмасига қатнашиш ниятида зўр ҳозирлик кўрмоқда. У иштиёқ ва илҳом билан бир неча хил янги нафис рўзғор буюмлари ясамоқда.

Маҳкам ака ва унинг ўғли Темиржон ясаётган сопол буюмлар маҳаллий савдо ташкилотлари томонидан қизиқиб олинмоқда. У ҳар йили Ургут маниий хизмат комбинатига ҳам кўп миқдорда уй-рўзғор буюмлари тайёрлаб бермоқда. Унинг буюмлари Самарқанд шаҳар ва Ургут район магазинларида сотиляпти.

Кулол ишхонаси, ижодхонаси ҳар доим гавжум. Тошкентдан, бошқа шаҳарлардан Ургутга келган рассомлар, журналистлар, керамикачилар Маҳкам аканинг азиз меҳмони бўлишади. Москвалик ва ленинградлик журналистлар ва рассомлардан С. Александров, В. И. Горяткий, В. П. Илимов, В. Ф. Матюх Маҳкам аканинг хотира дафтарига ўз таассуротларини ёзиб қолдиришган, кулолнинг санъати, ноёб буюмлари ҳақида илиқ сўзлар айтишган.

Таниқли кулол Маҳкам Облоқулов 1971 йили буюк доҳийимиз В. И. Ленин сурати солинган товоғи учун СССР Рассомлар союзи правлениеси ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Президиумининг дипломлари билан мукофотланди. Унга Ўзбекистон касаба союзлари Советининг биринчи даражали дипломи ҳам топширилди.

Маҳкам Облоқулов шу кунларда ҳам ажойиб санъат буюмлари ижод қилиш билан банд. У сира тинмай-тинчимайди. Республикамиз кулолчилик санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида у.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ф. ҲАЙДАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.
Самарқанд область, Ургут районн.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АКИРА. Гана билан Гвинея дипломатия муносабатларини тикладилар. Гана Ньюс агентлиги ана шуни хабар қилди. Ҳар икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари Ганада давлат тўнтариши ўтказилганидан кейин 1966 йилда узилган эди.

ПАРИЖ. Мадрид сиёсий полицияси пойтахт касаба союз активларидан 14 кишини қамоққа олди. Улар яширин ишчилар ҳаракатига мансублиқда айбланмоқдалар.

«Юманите» газетасининг ёзишича бу қамоққа олишлар, меҳнаткашларнинг меҳнат шароитлари яхшиланиши ва иш ҳақининг оширилиши учун олиб бораётган кураши кучайиб кетганлигига маъмурларнинг жавобидир.

САНТЬЯГО. Чили президенти Сальвадор Альенде СССР балиқ хўжалиги министри А. А. Ишковни қабул қилди. А. А. Ишков балиқ овлаш соҳасида бу ерда ўтказилаётган Совет—Чили комиссиясининг иккинчи сессиясида қатнашаётган Совет делегациясига бошчилик қилмоқда.

Қабул чоғида Сальвадор Альенде билан А. А. Ишков ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

НЬЮ-ЙОРК. Флорида штатининг Пенсакола шаҳри мактабларидан бирида яна ирқий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу тўқнашувларда юқори синф ўқувчиларидан юздан кўпроқ киши қатнашди. Воқеа рўй берган жойга етиб келган полициячилар ўқувчиларга қарши кўздан ёш оқизадиган газ ишлатдилар.

РИМ. Римдаги кинотеатрларнинг бирида Африка озодлиги учун мард курашчи Амилкар Кабрал хотирасига бағишланган митинг бўлди. Митингда кўп киши қатнашди. Турли сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг вакиллари, парламент аъзолари ва ёшлар митингга тўпланишди.

ДАМАШҚ. Сурия халқ кенгаши республика доимий конституциясининг лойиҳасини тасдиқлади. Конституция Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Сурия Араб Республикаси тараққийпарвар миллий фронтига бошчилик қилувчи ҳукмрон партия деб эълон қилади.

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг иттифоқ ижроия вечаси Вьетнам Демократик Республикасига ва Жанубий Вьетнам Муваққат революцион ҳукуматига мол ва асбоб-ускуна тарзида 5 миллион долларлик ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

ПРАГА. Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри Б. Хнеупек Прагадан бир қанча араб мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. У сафар чоғида расмий визит билан Ливан, Сурия ва Ироққа боради.

ЛОНДОН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхайм чоршанба куни кечқурун бу ерга келди. Лондон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари сафарининг биринчи пункти эди. Сўнгра у Жанубий-Шарқий Осиёдаги бир қанча мамлакатларга боради.

УЛАН-БАТОР. Бу ерда Сталинград остоналарида гитлерчи қўшинлар тор-мор этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган совет фильмлари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик программасида «Хотира», «Волгадаги жанг» фильмлари ва Волгадаги жангда Совет Армиясининг қаҳрамонона жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа киноленталар бор.

(ТАСС).

ЧССР. Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларда чехословак троллейбуслари жуда машҳур бўлмоқда. Яқинда Остров шаҳридаги «Шкода» заводи «Т-14» типидаги янги троллейбуслар ишлаб чиқара бошлади. Суратда: янги троллейбус.

ЧТК-ТАСС фотоси.

БОЛГАРИЯ. Экскаваторчи Христо Недев ўз конструкцияси асосида ясаган енгил спорт автомашинасини «Икар» деб атади. У машинани ясашда «Вартбург» (ГДР) двигателларидан фойдаланди.

БТА-ТАСС фотоси.

Жаҳон бўйлаб

ҲАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

ҒАЛАБА ЙЎЛИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши чоршанба куни Замбиянинг Жанубий Родезия билан чегарадош жойларида рўй берган жиддий аҳволни муҳокама қилишни давом эттирди. Уч қитлик мунозара мобайнида 25 мамлакатнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар Жанубий Родезиядаги ирқчилар режимининг ҳаракатлари тинчлик ва осойишталиққа хавф туғдираётганлиги муносабати билан ташвишланганликларини айтдилар. Жанубий Родезиядаги ирқчилар режими қўшни Замбияга қарши дўқ қилмоқда ва агрессия йўлини тутмоқда. Унинг бундан кузатган мақсади Замбияни Зимбабве халқига ёрдам беришдан воз кечишга мажбур қилишдир.

Мунозара вақтида конкрет тадбирлар муҳокама қилинди. Бу тадбирлар Жанубий Родезия ирқчилар режимининг агрессив ҳаракатларини тугатибгина қолмай, бу режимнинг ўзини ҳам йўқотишга ёрдам бериши керак.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

Социалистик давлатлардан шу кунларда олинаётган хабарларда қишлоқ меҳнаткашларининг муваффақиятлари қайд қилинмоқда. Улар ишчи партияларининг раҳбарлигида, қардош мамлакатларнинг кенг ёрдами ва яқин ҳамкорлиги туфайли ўз мамлакати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янгидан янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

ПРАГА

ЧССР федерал статистика кенгашининг Прагада эълон қилинганмаълумотларидан кўриниб турганидек, қишлоқ хўжалигининг муваффақиятли ривожланиши умуман мамлакат экономикасига хайрли таъсир ўтказди. Маълумотда давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотиш планининг ҳажми ортиги билан бажарилганлиги хабар қилинади.

ВАРШАВА

Варшавадан олинган ахборотда қуйидагилар таъкидланади: ҳозир халқ Польшасининг қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалик машиналарининг тахминан 600 типи, шу жумладан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар етказиб бераётган машиналарнинг салкам 300 типи фойдаланилмоқда. Ҳозир мамлакатда қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш системаси такомиллаштирилмоқда.

ПХЕНЬЯН

Пхеньяндан хабар беришларича, Корея Халқ Демократик Республикасида қишлоқ хўжалик кооперативлари кўкламги экишга эўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Далаларга жадал суратда ўғит ташиб чиқарилмоқда, техника ва суғориш системалари тартибга солинмоқда. Мамлакат саноат корхоналарининг ва аввало пойтахт заводларининг ишчилари деҳқонларга катта ёрдам бермоқдалар. (ТАСС).

ТАССнинг Ханойдаги бўлимида аппаратлар жойлашган хонада телетайплар кечаю кундуз тинмай ишлаб турибди. Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида 27 январда Парижда имзоланган битим билан алоқадор материалларни Вьетнам информация агентлиги шу телетайплар орқали тарқатмоқда.

Битимнинг имзоланиши Вьетнамдаги аҳволни сиёсий бартараф қилишга бағишланган Париж кенгаши очилганига тўрт йил тўлган кунга тўғри келиб қолди. Бу икки воқеанинг бир кунга тўғри келганлиги тасодифий бир нарса, албатта.

Музокаралар бошланганлиги тўғрисида Париждан хабар эшитилган эдим. Тинчлик бошланганлиги тўғрисидаги хабарни эса Ханойда бўлган вақтимда эшитдим.

Ўша кун — 1969 йилнинг 25 январь куни яхши эсимда: Париж осмони булутсиз, қўёш нур сочиб турган Парижнинг одамсиз кўчаларида қишнинг изғирин шамоли эсиб турар эди.

Аммо Париж кенгашида қатнашаётган барча делегацияларнинг вакиллари матбуот конференцияси ўтказиш лозим бўлган залнинг ичи жуда иссиқ эди. Парижга махсус равишда келган ва бу ерда доимий ишлаб турган бир неча юз журналист жуда кенг зални лиқ тўлдириб ўтирар эди.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг кенгашда қатнашиш учун Парижга келган вакилларини Франция пойтахтининг аҳолиси қизғин кутиб олди. Халқаро конференциялар уйида ҳар сафар ялпи мажлис бошланиши олдидан Клебер кўчасининг кенг йўлкалари парижликлар билан лиқ тўлар эди. Уларнинг кўплари Вьетнам Демократик Республикасининг байроқлари ва Америкининг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатишни талаб қилган транспарантларни кўтариб олганликлари кўриниб турар эди.

Бошқача «намойишлар» ҳам ўтказилган пайтлар бўлди. Чунончи, ўнг матбуот Сайгон вице-президенти генерал Кининг Орли аэродромида «тантанали кутиб олинганлиги»ни дабдабали сўзлар билан тасвирлаб ёзган бўлса ҳам, аммо шу учрашувда қатнашганлардан бири эътироф қилиб айтган гаплар бир неча кундан сўнг газеталарда босилиб чиқди. Шу кишининг айтишига қараганда, унга намойишда қатнашганлиги учун 50 франк пул беришни ваъда қилишган экан. Шундай йўл билан сотиб олинган бир группа намойишчиларни махсус автобусда Орлига олиб келишибди. Улар «намойиш» ташкилотчиларидан» бири мегафон орқали қичқириб айтиб турган шиорларни қайта-қайта такрорлашлари лозим экан. Берилган ваъда қуруқ бўлмабди. «Намойиш» қатнашчиларининг ҳар бири ваъда қилинган пулни олибди. Бу манзарани ўз экранларида кўриб турган француз телетомошабинлари ҳам ҳақиқий аҳволнинг гувоҳи бўлганликлари маълум.

Вьетнамга бағишланган Париж кенгашининг қатнашчилари вақти-вақти билан мажлис ўтказиб туришди, лекин орадан сал вақт ўтмай, Қўшма Штатлар ва Сайгон маъмурияти Вьетнам проблемасини тинч бартараф қилмоқчи эмасликлари ва ҳарбий йўл билан галабага эришишга ҳануз умидвор эканликлари аён бўлиб қолди.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг делегацияларининг эзгу ниятлари билан иш олиб бориб, Вьетнам проблемасини тинч йўл билан сиёсий бартараф қилишнинг конкрет программасини кенгаш қатнашчиларининг муҳокамасига тақдим этдилар. Бу таклифлар Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқлари амалга оширилишини гарантиялабгина қолмасдан, шу билан бирга Қўшма Штатларнинг урушдан обрўйни қўлдан бермай чиқиб олишига ҳам имконият берарди. Бироқ Вьетнам томонининг бу эзгу ниятни иккинчи томонининг ҳам шундай эзгу ниятлилиги билан иш олиб боришини тақозо қилди. Аммо иккинчи томон узоқ вақт сурбетлик қилиб тура берди. Музокаларни аллақачон шармандаси чиқиб эзроолик позициясида туриб олиб боришга урина берди.

Сўнгра Ханой, Хайфойни ва Вьетнам Демократик Республикасининг бошқа шаҳарларини бомбардимон қилишлар бошланди. Бундай бомбардимон қилишлар Америкининг Вьетнамдаги урушни кенгайтириш ниятидаги янги босқичи бўлди. Мамлакат денгиз томонидан қамал қилиб қўйилди ва унинг портлари миналанди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг савдо кемалари бунинг натижасида портлардан чиқолмай ва портларга киролмай турибқола берди.

Ленин ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун жанг қилаётган вьетнам халқи сабот билан қаттиқ туриб, бардош беришгина қолмасдан, шу билан бирга бу курашда енгиб чиқишга ҳам муваффақ бўлди. У бомбалар олдида ҳам, қамал натижасида ҳам ўзининг душманга асло тиз чўкмаслигини исбот қилди. Замонавий қурол-яроғ билан қуролланган, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошлик ёрдамига суянган вьетнам халқи агрессорларга қаттиқ зарба берди. Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнатчилари қийин шароитда, тўхтовсиз бомбардимон қилиб турилган пайтларда ҳам ишлашни давом эттира бердилар.

Тўхтовсиз бомбардимон қилиниб турганлигига қарамай, демократик Вьетнам халқи уруш вақтининг қийин шароитида социализм қуришни давом эттирди.

...Парижда эса қаттиқ дипломатик кураш давом эта берди.

Тўрт йил ичида бу ерда 202 марта ялпи мажлис ўтказилди ва Вьетнам Демократик Республикаси билан АҚШ вакиллари 24 марта ёпиқ учрашув ўтказдилар. Клебер кўчасидаги собиқ «Мажестик» меҳмонхонасининг ялпи мажлислар ўтказилаётган залида, халқаро конференциялар уйининг масъул ходимларидан бири айтган гапига қараганда, шу вақт ичида «стулларнинг чарм жилди икки марта алмаштирилди».

Музокаралар узоққа чўзилди, жуда кескин ва қийин бўлди...

Ҳозир Ханой осмони тинч ва осойишта, ҳаво тревогаларининг чиқириғи ва Америка самолётларининг гувуллаши энди Ханойдаги тинчликни бузаётгани йўқ.

Вьетнам халқи галаба қилди. Америка агрессиясига қарши ўн уч йил давом этган қаттиқ урушдан кейин вьетнам халқи эркинлик ва мустақиллик шароитидаги тинчликка эришди.

Энди Вьетнамнинг галабасини унинг бутун дунёдаги дўстлари, бутун тараққийпарвар инсоният табрикламоқда. Бу — қаҳрамонлик ва мардлик галабаси, бу галаба социалистик мамлакатларнинг қардошларча бирдамлиги ва ёрдами натижасида, Вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш кампанияси ҳаммма қитъаларда кенг авж олиб кетганлиги ва бу кампанияда ер юзидаги соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси актив қатнашганлиги натижасида қўлга киритилди.

Бу галаба ақл-идрок ва адолатнинг галабаси бўлди.

Б. БУБНОВ.
(ТАСС мухбири).

Редактор М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 «ЭКРАН ХАНДАСИ». 10.50 Ўн минут музика. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.15 — Кўғирчоқ спектакль. 11.35 — Мультфильм. 11.45 — Хатларингиз асосида. 12.15 — Телефильм. 13.15 — Қишлоқ саҳнасида 13.30 — Мультфильмлар. 14.30 — Адабий суҳбат. 15.15 — Илмий-оммабоп программа. 15.45 — Музикали учрашувлар. 16.15 — **Анна Каренина** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Мультфильм 17.45 — Санъат гунчалари. 18.20 — **Оби-ҳаёт** (бадиий фильм). 19.40 — «Ахборот». 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Мусиқа жавони. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Коммунист» программаси. 23.15 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Спорт программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув программаси. 16.50 — МОСКВА. 17.30 — Фан ва маданиятимизнинг актуал масалалари. 18.00 — **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — «Изланиш». 19.45 — Телефильм. 20.45 — **Севгилимга марварид** (бадиий фильм). 22.00 — Тележурнал. 22.30 — МОСКВА. Концерт заллари бўйлаб. 23.15 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/II да **Русалка.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Ўжарлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ, «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Номозлар.**

КИНО

Инсонни севинг (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3 ва кеч 6, 8.45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 3 ва кеч 6, 8.45 минутда).

Джейн Эйр — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да), «МОСКВА» (кундуз соат 1, 5.30 ва кеч 7, 9 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6, 8, 9.30 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Одам-оркестр; Тахта — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10.20, 11, кундуз 1, 2.40, 5 ва кеч 7, 9 да), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 12, 2, 4, ва кеч 9 да).

Ун уч баҳодир — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да), «ВОСТОК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Руслан ва Людмила — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 3.15 ва кеч 6, 8.30 минутда), «МОСКВА» (эрталаб соат 10.30 ва кундуз 3 да), ҲАМЗА номли (кундуз соат 5.30 ва кеч 8.30 минутларда).

Нуқта, нуқта, вергул — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 12), ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11 ва кундуз 1, 3 да).

Рам ва Шам (2 серия) — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11.40, кундуз 2.20, 5 ва кеч 7.40 минутда).

Севги риштаси — «КЎКЧА» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8 да).

Аёллар ва берсальерлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 1, 5 ва кеч 8.45, 10.30 минутда).

Ҳур қизлар — «СПУТНИК» (кундуз 1,5 ва кеч 6, 8 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

5 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

Асқад МУХТОР.

«САМАНДАР»

2 пардали драма.

Саҳнага қўювчи режиссёр — Х. АППОНОВ.

Рассом — Г. БРИМ.

СПЕКТАКЛДА: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: З. МУҲАММАДЖОНОВ, М. УМАРХУЖАЕВ, Я. АБДУЛЛАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: М. ОРТИПОВ, Т. ХОНТУРАЕВ, Х. ЮНУСОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Спектаклдан тушган маблағлар Тинчлик фондига топширилади.

Касса эрталаб соат 10 дан очиқ.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

Султон БЕКМУРОДОВнинг

вафот этганлигини маълум қилиб, унинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий номли Ўзбек Давлат Академик катта театрининг коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти Ж. Низомхўжаевга синглиси

Шукура Низомовна ОЛИМХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

5 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар. 13.15 — **«Ҳайвонот оламида».** 14.15 «Голубой огонёк» саҳифаларида. 14.45 — **Бу Пенькова бўлган эди** (бадиий фильм). 16.25 — Ўқув программаси. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Мультфильм. 18.45 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.05 — **«Фан»** программаси. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.30 — **Икки давр** (адабий театр). 21.30 — «Вақт». 22.00 — **Зафар** (телеопера). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.20 — МОСКВА. 18.50 — Совет музикаси кечаси. 19.30 — Ишчи — фахрли ном. 20.00 — Телеспектакль. 21.30 — Ҳужжатли фильмлар. 22.00 — **Хоккей:** СКА (Ленинград) — ЦСКА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

6 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Болалар учун кўрсатув. 13.15 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 14.30 — Совет балети устаси. 15.30 — Мусобақа кундалиги. 15.45 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 Ўқув программаси. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильмлар. 18.50 — «Глобус». 19.20 — «Прогресс» программаси. 19.50 — Ахборот. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — Халқаро панорама (Москва). 20.45 — Ахборот. 21.05 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 00.30 — **Хоккей:** ЧССР — Швеция. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.25 — МОСКВА. **Хоккей:** «Спартак» — «Химик» (Воскресенск). 19.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.15 — Ешлар ижоди (Тошкент). 20.45 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 24.00 — Телефильмлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА, ТОШКЕНТ. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Телефильм. 19.20 — Ўқув программаси. 20.00 **Севги тумори,** (балет).

7 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12. 30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 — Ҳужжатли фильмлар. 14.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 16.50 — Фан оламида. 17.20 — Концерт. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — «Моҳир қўллар». 18.35 — ТОШКЕНТ. 19.05 — Фильм-концерт. 19.25 — Ёш ижрочилар концерти. 19.55 — Ахборот. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — Миллионлар ленинча университети (МОСКВА). 20.45 — Ахборот. 21.05 — **«Оламга саёҳат».** 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Коммунист» программаси. 23.00 Мусиқа жавони. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — Мультфильм. 18.30 — МОСКВА. **Хоккей:** Швеция — ЧССР. 19.30 — Музикали суҳбат. 20.15 — Шу кунинг созандалари. **Г. Максудова.** 20.45 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 Телефильм. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Телефильм. 19.20 — Ўқув программаси. 20.30 — **Портдаги ҳодиса** (бадиий фильм).

8 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — «Моҳир қўллар». 13.15 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 14.30 — Сен яшаётган қишлоқ истиқболи. 15.00 — Концерт. 16.30 — Таълим-тарбия ҳақида суҳбат. 17.00 Ўқув программаси. 17.45. — Янгиликлар. 17.55 — Болалар учун кўрсатув. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.00 — Фойдали учрашувлар. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Миллионлар ленинча университети (МОСКВА). 20.20 — ТОШКЕНТ. Шеърият мухлисларига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.40 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 24.00 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.25 — МОСКВА. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Концерт. 19.50 — «Здоровье». 20.20 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 21.40 — ТОШКЕНТ. 22.40 — Теленовелла. 23.10 — Музикали программа. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.10 — **Яша Топорков** (бадиий фильм). 20.30 — **Оқсоқол** (бадиий фильм). 21.40 — Фильм-концерт.

9 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Болалар учун кўрсатув. 13.15 — **Испаниянинг мусаффо осмони** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 14.30 — Телеочерк. 15.00 — Шахмат мактаби. 15.30 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 17.15 — Фан — қишлоқ хўжалигига. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Мультфильмлар. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Студентлик — олтин даврим. 19.10 — Созанда педагог. **М. Юнусхонов.** 19.50 — Ахборот. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — Ахборот. 20.35 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Наҳм ва ноз». **Навоий лирикаси.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.20 — МОСКВА. Хоккей: ЦСКА — «Крылья Советов». 18.55 — Концерт. 19.25 — Инсон ва қонун. 19.55 — Телеспектакль. 20.35 — ТОШКЕНТ. Жангговар постда. 21.05 — СССР граждан авиацияси — 50 ёшда. 22.30 — МОСКВА. СССР граждан авиациясининг 50 йиллигига бағишланган концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Янгиликлар. 19.10 — Фильм-концерт. 19.45 — **Раҳс ўқитувчиси** (телеспектакль).

10 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 **Телеминиатюралар.** 10.50 — Ўн минут музика. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 11.40 — Фильм-концерт. 12.00 — Фан ва маданиятимизнинг актуал проблемалари. 12.30 — Болалар учун кўрсатув. 13.00 — Концерт. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 15.05 — **Айбсиз** (бадиий фильм). 16.30 — СССР граждан авиацияси — 50 ёшда. 17.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 19.30 — ТОШКЕНТ. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Оламда нима гап? 20.10 — Ахборот. 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Ўзбекистон чорвадори». 23.00 — **Перу қадимий мамлакат** (ҳужжатли фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.50 — Кинофильм. 17.20 — «До-ре-ми-фа-соль». 17.50 — **Буви ва неваралар** (бадиий фильм). 19.10 — Зангори экран почтаси. 19.30 — «Здоровье» 20.00 — Спектакль. 22.00 — «Мардлик — мангулик». 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

11 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль», (такрорий кўрсатув). 10.10 — Ёзувчилар — болаларга. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.15 — «Будильник». 11.45 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 12.15 — Музикали киоска. 12.45 — Маҳсулотлар — халқа. 13.15 — Ёзувчи **Ильф Петров.** 14.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 14.40 — Бадиий фильм. 16.00 — Қишлоқ хабарлари. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Мультфильм. 17.20 — «Звездочка», 18.05 — «Кинокитой» программаси. 18.35 — Ахборот. 18.50 — **Телеминиатюралар,** (такрорий кўрсатув). 19.30 — Ўн минут музика. 19.40 — Ахборот. 20.00 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — МОСКВА **Хоккей:** «Крылья Советов» — ЦСКА. 19.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.20 — Бадиий фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 • ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 29. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02179